

ХИТОЙДА УЗОҚ УМР КЎРИШ РАМЗЛАРИ


<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-22-28-31>

Артикова Зиёда Зайнитдиновна

Тошкент давлат шарқшунослик университети ўқитувчиси

Ziyda78@mail.ru

Таштаева Феруза Шарофиддин қизи

Тошкент давлат шарқшунослик университети, филология 2 курс талабаси

feruzaxontashtayeva@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Қадимги хитойликлар бахтнинг беш концепциясига - узоқ умр кўриши, бойлик, соғлиқ, яхшиликлар қилиши ва қарилликда ўлим топши каби тушунчаларни киритганлар. Бундан кўриниб турибдики узоқ умр кўриши – бу бахтнинг асосий концепцияси ҳисобланади. Хитойда тузилган кунини нишонлаётганлар кўпинча махсус хона буюртириб, унга парли ёзувлар иладилар, шамлар ёқадилар, шафтоли шаклидаги ширинликлар ва лагмон ейдилар, ичимликлар ичадилар, шеърлар айтилади. Буларнинг барчасида тузилган кун егасига янада узоқ умр тилаш маъноси бор. Ёши улуг бўлган тузилган кун эгаларини табриклаганларида эса уларнинг уйларига “бахтингиз шарқий дарёдек катта, ҳаётингиз жанубий тоғга борадиган йўлдек узун бўлсин” деб ёзилган қоғозлар осиб қўйишади. Мақолада энг машҳур узоқ умр кўриши рамзлари, рамзлар ҳақидаги баъзи афсоналар, тузилган кунда тортиладиган таомлар ва байрамларда бериладиган совғаларнинг узоқ умр кўриши билан боғлиқ жиҳатлари ҳақида маълумотлар берилган.

Калим сўзлар: бахт, узоқ умр кўриши, бойлик, соғлиқ, яхшилик, умрбоқийлик, илоҳлар, рамзлар.

ABSTRACT

The ancient Chinese introduced the five concepts of happiness - longevity, wealth, health, doing good, and dying in old age. It is clear that longevity is the basic concept of happiness. People who celebrate their birthdays in China often book a special room, hang bright notes on it, light candles, eat peach-shaped sweets and lagman, drink drinks, and recite poems. In all of this, it makes sense to wish the birthday owner a longer life. When congratulating the elderly on their birthdays, they hang papers in their homes that read, "May your happiness be as great as the eastern river, and may your life be as long as the road to the southern mountains." The article provides information on the most popular longevity symbols, some myths about the symbols, longevity aspects of birthday snacks and holiday gifts.

Keywords: happiness, longevity, wealth, health, goodness, longevity, gods, symbols

Қадимда хитойликларнинг ҳаётдаги асосий мақсади узоқ умр кўришга интилиш бўлган. Бахтли яшашнинг беш концепцияси – узоқ умр, бойлик, соғлиқ, яхшилик ва қарилликка етганда топилган ўлим инсонни ҳам маънавий, ҳам моддий томондан ҳаётдаги интилишини ифодалаган. Булардан энг муҳим ўринни эгаллаган узоқ умр кўриш концепцияси ҳақида хитой адабиётларида кўплаб афсоналар ва битиклар мавжуд.

Хитойда аввалдан одамларни “ҳаёт ва ўлим” чуқур ўйга толдирган, улар ўз ҳаётини йўқотиб қўйишдан кўрққанлар, узоқ умр кўриш ва мустаҳкам соғлиқ ҳақида ўйлаганлар. Узоқ умр кўришдан мақсад – бойлик ва ҳурмат эътиборда яшаш бўлган. Қадимги хитой луғатларидан бири бўлган 说文解字 Shuowen jiezi да ёзилишича, “бахт бу мукаммалик ва

гўзалликни бутун бўлишидир”. Хитой миллий маданияти инсонни улуғлайди, ҳаётдан баҳра олиб яшаш, бахтли ва узоқ умр яшаш билан боғлиқдир.

“Фу” (福) – бу иероглиф “бахт” ва “омад” деган маъноларни англатиб, Биргина шу “福” сўзининг ўзида хитойликларнинг ҳаётидаги барча яхши тилаклар жамланган. Қадимда Хитой аёллари таъзим қилаётган вақтларида тизза ва бел қисмларини букиб, кафталари билан қорин қисмининг ўнг томонини ушлаб “万福” (wan фу) – яъни ўн минг бахт дейишлари керак эди. Байрамларда эшикларга қизил ва тилларанг кўринишдаги 福 “фу” иероглифини тескари кўринишда ёпиштириш анъанага айланган. Бу кўриниш “бахт келди” деган маънони англатади.

Узоқ умр кўриш аввалдан бахтнинг беш кўринишидан бири деб қаралган. Тан сулоласи вакиллари билан бири Кун Инда “Шан шу” асариди:

“Бахтнинг беш тури шундай номланади, биринчиси, бу узоқ умр кўриш, кимки узоқ умр кўрса у бахтлидир. Иккинчиси, бойлик. Учунчиси, соғлик ва хотиржамлик, касал бўлмаслик. Тўртинчиси, яхшиликлар қилиш. Бешинчиси, вақти соати келганда табиий ўлим топиш”. Бундан кўришиб турибдики узоқ умр кўриш – бу бахтнинг асоси. Чунки инсон вафот этса бахтнинг қолган тўрт тури маъносини йўқотади.

Қадимги Хитойда ўртача умр кўриш ёши 4 қисмга бўлинган эди:

- 1) 36 ёш - бу аҳоли ўртасидаги асосий умр кўриш ёши;
- 2) 60 ёш - бу паст узоқ умр кўриш ёши;
- 3) 80 ёш – бу ўртача узоқ умр;
- 4) 100 ёш – енг баланд умр кўриш ёши;

Қадимги даврнинг ёзма ёдгорликларида ҳам бахт ва узоқ умр кўриш учун қандай тилаклар қилиниши ҳақида жуда кўп, турли маълумотларни учратишимиз мумкин. Халқ орасида байрамларда асосан 60 – 80 ёшларни тилаб табриклаш одат тусига кирган эди. 80 ёшга кирган инсонни табриклаётган одамлар унга мушук ва капалакнинг сурати туширилган махсус расмлар тақдим этганлар, чунки мушук (猫 maо) ва капалак (蝶 die) биргаликда хитой тилига “қари одам” деб таржима қилинади. Улардан ташқари – кўршапалак, кийик, ари, маймун ҳам самимий тилаклар билдириш учун ишлатилади. Улардан кўршапалак унчалик чиройли кўринишда бўлмасда, хитойча талаффуз қилиниши 蝙蝠 (bianfu) 福 иероглифига яқин бўлгани учун катта бахт, омадли иш, узоқ умр, бойлик сингари ижобий маъноларда ишлатилади. Кўршапалак образи инсонлар интиладиган бахтли ҳаётнинг рамзига айланган.

Яна бир узоқ умр, соғлик ва ёшлик рамзларидан ҳисобланган, асосан катта ёшдаги аёлларнинг туғилган кунларида бериладиган совға – бу “Магу” илоҳасининг суратидир. “Магу туғилган кун билан табрикляпти” деб номланган суратда у жуда чиройли шойи кўйлақларда, кўлида шафтоли ва ичимлик ушлаб турган ҳолда тасвирланган. Ге Хун “Илоҳий ёзувлар” асариди Магу илоҳасининг илоҳа Ван Юан билан учрашувини шундай ёзган:

“Ўтган сафар Ван Юан билан бўлган учрашувда мен қандай қилиб шарқий дарё уч мартта тут плантациясига айланганини кўргандим”. Бошқа сўз билан айтганда у ўзининг қанчалик узоқ умр кўрганини тасвирлаб бермоқчи бўлган.

Бизгача етиб келган афсоналарга кўра Чингян провинциясидаги Хунан шаҳрида жойлашган “ёдгорликлар” ўрмонида саккиз авлиёнинг бири Луй Вандун Дунбин Вухи дарёси ёнида “Чуан” ёзувида узоқ умр кўриш иероглифини ёзган. У баландлиги 160 сантиметр ва енига 72 сантиметрлик узоқ умр кўриш ширмаси эди. Иероглиф чиройли, текис шаклда, бой маънога ега эди. Ушбу иероглифни кўрган одамлар ўзларини тушунарсиз бўлган илоҳий китобни ўқигандек ҳис қилганларини айтган эдилар.

Мин сулоласи даврида ушбу ерларга “Даосизм” тарқалишида аосий рол ўйнаган Ҳан Юн ташриф буюради. У ушбу иероглиф бир неча ўн қисмдан ташкил топган деган фикрни илгари суради: “тепадаги қизил нуқта – куёш. Пастдаги қизил нуқта – ой. Учта оқ думалоқ – юлдузлар.

Куёш, ой ва юлдузлар - бу жанубий етти юлдуздор. Иероглиф таркибини ташкил етган қисмлар алоҳида иероглифларга бўлинади. Булардан: “上” – бу осмон, “中” – бу ер, “口” – бу инсон. Осмон, ер ва инсон бу уч ибтидо. Юқори иероглиф “关” – бу олтин, “中” – бу дарахт, пастдаги “寸” – бу сувдор. Қайта жойлаштирилган иероглиф “日” ва уни “口” иероглифи билан бирлаштириш орқали “олов” ясалган. “工” – бу ҳам ер маъносини беради. Олтин, дарахт, сув, олов ва ер бу беш элемент. Оқ рангли икки тасма – тасвирнинг иккилантирилганидир. Икки томонлама тасвирлар тўртта белги ҳосил қилади. Ўз навбатида 4 та рамз 8 тани дунёга келтиради. Куёш – абадий рамзи. Ер – аср рамзи. “工” иероглифи еса “公” (князь, подшоҳ) иероглифининг омофони ҳисобланади. Пастки қисм иероглифи “工” бу авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтувчи лавозим, титул деганидир. Улар биргаликда “абдий князь ёки подшоҳ бўлиш, гуллаб яшнаш ва бойлик” деган маънони беради.

Куёшни бахтга қиёслашади. Ой эса хизматдаги юксалиш лавозим ошини билдиради. Катта иероглиф атрофидаги учта оқ думалоқ – юлдузлардир. Демак, уч юлдуз – бахт, омадлилик, узоқ умр кўриш – ёритувчидир, ва чексиз бахт, бойлик ва гуллаб яшнаш деганидир.

Хан Юннинг келтириб ўтган ушбу далиллари нафақат у Лю Дунбин учун жавоб берганлиги учун, балки, оддий халқнинг истакларини тўлақонли қондира олгани учун ҳам ишончга сазовор бўлганди. Бутун халқ унинг ақлига тасаннолар айтишган. У халқ орасида доим ҳурматга сазовор инсон эди.

Хитойликлар ёши улуғ бўлган туғилган кун эгаларини табриклаганларида уларнинг уйларида “бахтингиз шарқий дарёдек катта, ҳаётингиз жанубий тоғга борадиган йўлдек узун бўлсин” деб ёзилган қоғозлар осиб қўйишади. Яна бошқа бир “қўшиқлар китоби” асаридан олинган табрикда эса “ойдек умрбоқий, қуёшдек баланд, жанубий тоғга бўлган йўлдек узоқ, бузилмайдиган умр”. Ушбу табрикдаги “жанубий тоғ” сўзи қадимий афсоналарга бориб тақалади. “Тоғ ва денгизлар китоби” (山海经)¹ афсоналар китобида келтирилишича осмон подшоҳининг қизи Дунтин кўли яқинидаги тоғда яшайди. Умрбоқий яшовчилар тоғида хашаматли қаср қад кўтарган, хайратланарли ўсимликлар ўсарди. Уни еган инсон умрбоқий яшар ва қаримасди. “Тарихий ёзувлар” (史记)² китобида шундай афсона келтирилган:

“Умрбоқийлар уч тоғи, афсоналарга кўра, Бохай денгизда жойлашган. Бу тоғга инсон зоти ҳеч қачон келмаган. Денгизда озгина сузгандан кейин ярим йўлда касал бўлиб қолишар, тоғга етиб борганлар еса илоҳларни кўришар ва умрбоқийлик еликсирини излашарди. Тоғдаги барча жонзотлар оқ рангда, қаср еса олтин ва қумушлардан қурилган еди. Унга узоқдан қаралса булутга ўхшар, тоғ яқинига борилганда у сув остида бўлиб қоларди. Унга яқинлашганда шамол йўналишни ўзгартириб юборарди. Унга етиб бўлмасди”.

Ушбу афсонадан сўнг денгиздаги тоғ умрбоқийлик, бойлик ва кўнгилахушлик маскани сифатида кўрила бошланди. Шунинг учун ҳам умрни тоғга, бахтни денгизга ўхшатишади.

¹ “Шан хай жинг” (山海经) я’ни “Тоғлар ва денгизлар китоби” ёки “Тоғлар ва денгизлар каталоги” — Хитой ва Хитойнинг ҳақиқий ва афсонавий географиясини тасвирлайдиган қадимги Хитой рисолаасидир. Қўшни ерлар ва у ерда яшайдиган мавжудотлар ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган. Анъанага кўра афсонавий Буюк Юга тегишли бўлган бу асар аслида миллоддан аввалги сўнгги асрларда ва ерамизнинг биринчи асрларида (Урушаётган давлатлар даври - Хан сулоласи) ёзилган. Тарихчи Сима Цян ўзининг "Тарихий ёзувлар" ("Ши чи") асарининг 123-бобида "Шан хай жинг" ҳақида келтириб ўтади.

² Ши жи (史记) - "Тарихий эслатмалар": Хан империяси тарихшуноси Сима Сиан томонидан ёзилган. Хитой маданиятида у Геродотнинг Ғарб дунёси учун тарихда ўйнаган роли билан таққосланадиган рол ўйнайди. Миллоддан аввалги 109-91 йилларда яратилган. Ши зҳин афсонавий сариқ императордан Ғарбий Хан империясигача бўлган даврни қамраб олади. Сима Циан фойдаланган манбалар орасида Ши Бен энциклопедияси ҳам бор еди

Хитойда туғилган кунини нишонлаётганлар кўпинча махсус хона буюртириб, унга парли ёзувлар иладилар, шамлар ёкадилар, шафтоли шаклидаги ширинликлар ва лағмон ейдилар, ичимликлар ичадилар, шеърлар айтилади. Буларнинг барчасида туғилган кун эгасига янада узоқ умр тилаш маъноси бор. Хитойнинг баъзи жойларида саккиз умрбоқийлар таомини тортишади. Таом бир биридан рамзий маъноларда катта фарқ қиладиган махсулотлардан тайёрланади. Булар: Бутун товук – соғлом тана, гўшт билан қовурилган хушбўй пиёз – бахт ва узоқ умр гуруч ва финики – бахтли ҳаёт, гўшт билан қовурилган лотос илдизи ва бамбук куртаклари – қариликдаги қалб осойишталиги ва шу билан бирга “гесян” номли шўрва тайёрлашади. Хитойнинг қайси провинциясида бўлишингизга қарамай туғилган кун дастурхонида албатта лағмон учратасиз. Лағмон узоқ умр рамзи ҳисобланади. У қанчалик узун бўлса шунчалик узоқ умр кўрасиз дейишади. Лағмонни еган туғилган кун эгаси идишига яна лағмон солиб беришади. Бу “лағмон кўшиш” одати “умр кўшилсин” деган маънони англатади. Яна уларда машҳур “шоую” ичимлигини ҳам тортишади. У “боқий ҳаёт” маъносини беради. Баъзи жойларда “шоу – тао” (寿桃) номли шафтоли кўринишидаги ширинликни совға қилиш одат тусига кирган. У шафтоли ва ундан тайёрланади. У бахт, соғлиқ ва узоқ умр маъноларини ўз ичига олади. Анъанага айланган ушбу ҳолатлар туғилган куннинг янада қизиқарлироқ ўтишини таъминлайди.

Хитой анъанавий маданияти хитойликларнинг ҳаёт тарзига жуда сингиб кетган. Улар одамнинг ҳаётдаги ҳар бир муҳим воқеаларига таъсир кўрсатади. Хитой маданияти, урф одатлари билан яқиндан танишиш, хитой тилини ўрганишга, хитойликларни ҳаётга бўлган қарашларини билишга ёрдам беради. Хозирги кунга қадар бахтли яшашнинг беш концепцияси – узоқ умр, бойлик, соғлиқ, яхшилик ва қариликка етганда топилган ўлим инсонни ҳам маънавий, ҳам моддий томондан ҳаётдаги интилишини ифодалайди..

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати (REFERENCES)

1. 中华民俗故事 2018 年
2. Инесса Плескачевская. «Поднебесная страна». Международная издателтская компания “Шанс”. 2018г
3. China.org
4. 中华民俗万年历。三泰出版社，2007 年.
5. Nazarova, S. A. (2019). Experimental Research Results Identificating Efficiency of Teaching Students’ Foreign Lexical Competence Methodology. *Eastern European Scientific Journal*, (1).
6. Назарова, С. А. (2021). МЕЖКУЛЬТУРНАЯ КОММУНИКАТИВНАЯ КОМПТЕНЦИЯ: УРОВЕНЬ СФОРМИРОВАННОСТИ И РЕЗУЛЬТАТЫ КОНСТАТИРУЮЩЕГО СРЕЗА СТУДЕНТОВ-ФИЛОЛОГОВ (КИТАЙСКИЙ ЯЗЫК). *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(Special Issue 1), 147-155.
7. Каримов, А. А. (2021). СООТНОШЕНИЕ ПОНЯТИЙНОГО И АССОЦИАТИВНОГО НАЧАЛО В ИЕРОГЛИФИЧЕСКОМ ПИСЬМЕ (на примере иероглифа 日 «солнце»). *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(Special Issue 1), 76-81.
8. Ahmedova, S. I. (2021). ХИТОЙ ВА КО ‘RFAZ ARAB MAMLAKATLARI YOZUVCHILARI ASARLARIDA MAGIK REALIZMNING XUSUSIYATLARI VA USLUBLARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(Special Issue 1), 369-375.